



КУЗ КЕЛДИ - ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТА ҚУЛЛИГИ” БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилар ташаббус гуруҳи (ЎМХХТГ) маълум қилишича, Тошкентда 200 минг шаҳарлик ихтиёрий-мажбурий тартибда пахта теримига жалб қилиниши режалаштирилмоқда. Биринчи навбатда бюджет ташкилотлари ва муассасалари: касалхона, поликлиника, болалар боғчалари, таълим муассасалари, хизмат кўрсатиш соҳаси, электр энергияси узатиш ва сувоқава корхоналари ходимлари, вазирилик ва маҳкамалар ходимлари, талабалар ва бошқалар сафарбарлик қилиниши режалаштирилмоқда. Бордию, кимдир пахта теримига ўз хиссасини қўшишдан бош тортса, уларни ё ишдан ёки ўқишдан ҳайдаш билан кўрkitилади, дея хабар беради Фергана.ру сайти.

Ўрта ва кичик бизнес вакиллари: тижоратчилар, банкирлар, ишлаб чиқарувчилар, қурувчилар, новвойлар ва бошқалар ҳам пахта терими учун масъул мутасаддиларнинг эътиборидан четда қолгани йўқ. Туман ҳокимлиқари тадбиркорлар ўртасида ташвиқот ишларини юргизиш, ё ўзларининг пахтага боришларини ёки бўлса ўринларига бошқа одамни ёллаб жўнатишларини талаб қилмоқдалар. Бунинг натижаси ўларок мардикорларга талаб кучайиб кетди, уларнинг бир кунлик иш ҳақи 30 мингдан 50 минг сўмгача кўтарилди (\$11 дан \$18 гача).

Мисол учун, Тошкентдаги деярли етти минг тижоратчи савдо қиладиган энг йирик “Эски Жўва” бозорида йирик дўконлар – супермаркетлар, рестороанлар ва бошқа савдо ва хизмат кўрсатиш пунктлар раҳбарларидан бир ой давомида пахтага бормасликлари учун 1,5 миллион сўмдан (\$550) товон пули талаб қилмоқдалар.

Маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари пахтага кетаётганлардан “бегона одамлар” – журналистлар, ҳуқуқ ҳимоячилар ёки чет элликлар билан мулоқотга киришмасликни қатъий ту-

риб тавсия қилмоқдалар. “Агар бордию, бундайлар билан суҳбатлашадиган бўлсангиз, унда мамлакат иктисодиётини мустаҳкамлашга ўз хиссамни қўшиш учун пахтани ўз ихтиёрим билан теряпман, деб айтишлар”, — деган йўриқномалар берилмоқда. Давлат муассасалари ходимларидан эса пахтага ўз ихтиёрлари билан кетаётганлари тўғрисида ёзма аризалар олинмоқда.

Андижон вилоятида ҳам худди шундай вазият юзага келган. Мисол учун, вилоят марказида истиқомат қилувчи сайтимиз ўқувчиларидан бири бўлган аёл Андижонда пахта терими мавсуми қандай бошлангани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

“Андижонда пахта терими 10 сентябрь кuni бошланди. Бу йил вилоят ҳокими Шухрат Абдурахмонов коллеж ўқувчиларини пахтага чиқишини бекор қилди, лицейда ўқийдиганлар эса илгари ҳам пахтага чиқишмаган, фақат 2012 йилда чиқишган. Қишлоқ мактаб ўқувчиларини ҳам пахта теримига жалб қилиш қатъий тақиқланган. Болаларнинг ёрдам қўлисиз иш битадими-йўқми, буни вақт кўрсатади. Терим энди бошланяпти. Аммо ўқитувчиларсиз эплей олишмаса керак, уларни пахтага чиқишга мажбур қилишяпти, шунинг учун болаларнинг ўқиши давом этадими-йўқми, номаълум.

Пахта теришга боришни истамаганлардан товон пули талаб қилинмоқда. Пахтага бормаслик учун ишчи-ходимлар ўзлари ишлаётган корхона ёки ташкилот раҳбарига белгиланган миқдордаги пулни тўлашлари ҳамда ўзларининг ўрнига пахта теримига борадиган одамни ёллашлари керак. Раҳбарга 100 доллар, мардикорга 300 минг сўм берилмоқда (кунига 30 минг сўмдан ўн кун ҳисобида). Шундай қилиб, икки баробар миқдорида пул тўлашга тўғри келяпти.

Бунча пул йиғилишининг сабаби – ҳар бир муассаса ёки ташкилот учун пахта топширишининг кунлик нормаси белгиланганида: агар бу норма бажарилмаса, ташкилот раҳбари терилмаган пахтаниннг ўрнига пул топширади. Бу гаплар кўп ҳолларда баҳона бўлиб, йиғилган пуллар раҳбарларнинг чўнтагига кириб кетади.

Қашқадарё вилоятининг “Ҳиллол” фермерлик хўжалигида Агросаноат коллежининг иккинчи курс талабаси 9 сентябрь кuni электр токи уриши натижасида вафот этди. Унинг исми Махлиё

бўлиб, эндигина ўн олти ёшга кирган эди. Воқеа шохидларининг айтишича, Махлиё бошқа курсдошлари билан бирга “Ҳиллол” хўжалигида пахта териб юрган. Унинг ўлимига бахтсиз ҳодиса сабаб бўлди. Махлиё қўлини ювмоқчи бўлиб лотокка энгашганида қалқиб кетди. Йиқилмаслик учун қиз шу ерда турган симиёғочни ушлаб олади. Унинг қўли теккан жойда эса изоляцияси бузилган электр кабели ўтган экан, кизни ток уради. Махлиёни Қашқадарё вилояти Тез ёрдам марказига олиб кетишаётганида йўлда жон берган, дея кuni кеча хабар берган эдик.

Фермерларнинг ёрдамчиларга бўлган муносабати ҳақида ҳам алоҳида гапириш керак. Уларнинг аксарияти теримчиларни ўзларининг қўлларидек кўрадилар, қаттиқ назорат остига олиб, секин ишлаётганлари ва пахтани тоза термаётганлари учун дакки берадилар. Ташкилот раҳбарлари фермерларнинг бундай муомаласини қўллаб-қувватлайдилар, холос. Одамлар хўжайинларидан кўрққанларидан кунлик нормани бажаришга ҳаракат қиладилар.

Маҳалла фуқаролари йиғинлари раисларидан иборат штаб ходимлари ҳам ўзларини худди шунақа хўжайинларга ўхшаб тутадилар. Аввалига улар ўз маҳаллаларидаги моддий ёрдам ёки ёш болалар учун нафақа пули олаётган хонадонлардан одамларни пахтага чиқишга мажбур қиладилар. Кампирлар одатда нафақа олаётган келинлари ёки қизларининг ўрнига борадилар, ёш болали аёллар эса ноиложликдан чиқадиладар.

Ўтган йили маҳалла фуқаролар йиғинлари тўплаган одамлар Жалолқудуқ туманининг Жанубий Оламушук кишлоғида жойлашган фермерлик хўжалигига жўнатилганди. Уларни “Победа” фермерлик хўжалиги худудидаги №18 ўрта мактабга жойлаштирдилар. Пахта штабига маҳалла фуқаролар йиғинларига раислик қиладиган аёллар тайинланган экан, улар теримчиларга нисбатан жуда шавқатсиз муомалада бўлдилар. Улар ўзларини беҳаёларча тутиб, тез-тез спиртли ичимликлар билан маишатлар уюштиришар, теримчиларнинг ёшига ва касаллигига қарамай таҳқирлашарди. Мисол учун, улар киндигидан сарик сув чиқаётганига қарамай қари ва касал аёлни сал бўлмаса қалтаклайдиган ҳолатда пахта теришга мажбур қилдилар.

Бу йил маҳалла кўмиталари томонидан пахтага тўпланган андижонликларни Олтинкўл туманига жўнатдилар. Уларни 14 сентябрдан бошлаб ёмғир ёғаётганига қарамай очик даладаги шийпонга жойладилар.”

2014, балки 2015 йилдадир — Ўзбекистонда янги президент сайловлари бўлиб ўтади. “Балки” атамасини қўллаш билан бу “муҳим” сана иқтидордаги ҳукумат ва унинг раҳбари И.Каримов феъли билан ўзгариб қолиши мумкинлигидан келиб чиқиб айтмоқдамиз. Чунки бу инсон қачон нимани истаса ўшани амалга ошира оладиганлар хилидан. Ҳа республика ва на халқаро қонунлар Ўзбекистонда ҳукуматнинг босиб олинишига монелик қила олмайди. Албатта

бисёр бўлсада, бизда бунинг тамоман акси! Ким билсин, балки шу каби “ўғитлар” ва “ҳикматлар” боисидан ҳам биз қўй оғзидан чўп олмайдиган одамларга айланиб қолгандирмиз.

Эмишки, Г. Каримова Фарғона вилоятига борган экан ва у ерда халқнинг оҳ-зорини тинглабди. Газ етишмаслиги фарғоналикларнинг асосий дарди экан. Бўлғуси президент газдан фойдаланишни тўхтатишни ва келгусида халқга электр қуввати билан ишлайдиган плиталар етказиб беришни ваъ-

қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!” дегани ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Лекин у айтган буюк келажак ишсизлик, мардикорчилик, порахўрлик ва бошқа турли туман иллатлар билан қоришиб кетди. Мақсад ҳам аслида шу бўлгандир, бироқ халққа нимадир дейиши керак эдику. Мана, йигирма йилдан ошдики, Исломо Абдуғаниевични эл тортаётган азоблар ҳам безовта қилмай келади.

БУЮК КЕЛАЖАК – ЕТИБ БЎЛМАС УҒҚҚА ЎХШАЙДИ.

Ўзбекистон қонунларида “президент мамлакатнинг эгаси, нима истаса шуни қилишга ҳақлик” – деган жумлалар йўқ. Аммо халқаро қонунларда ҳам ҳукуматимиз раҳбарининг бунақа ҳаракатларини жиловлайдиган жумлаларни кўрмаймиз. Демак, ҳамма нарсани элнинг ўзи ҳал қилиши керак эди, аммо эл ҳам лунжига сув тўлдириб олгандек жим.

Ҳозирда И.Каримовнинг тўнғич қизи Г.Каримова интернет оламида, турли ижтимоий тармоқларда ўз фаолиятини жонлантириб юборганлигини кузатамиз. Бу шунчаки, мониторинг ортида ўтириб олиб қўнгил хушлиги учун клавиатураларини чиққиллатаётган хонимча эмас, балки 30 миллиондан ортиқ аҳоли нуфузига эга бўлган мамлакатнинг бўлғуси президентиدير. Ўз ёзишмаларида Гулнора ўзини элга томон қайишаётгандек қилиб кўрсатишга ҳам интилаяпти. Бу билан оли одамлар орасида янги миш-мишлар билан янги умидлар ҳам ёйинланмоқда. Гўёки, Г.Каримова тўйган кўзичоқ ва у президент бўлиб қолса мамлакатни таламайди.

Ҳикматлардан бирида айтилганига кўра, инсондаги умидлар энг сўнгида ўларкан. Яъни, жон ҳикилдоқдан чиқганидан сўнг унинг сўнги орзулари, умидлари ҳам ўларкан. Лекин бу бир инсон онги ва вужудини назарда тутган ҳикматдир. Шунда ҳам уни “ҳикмат” деб аташ жоиз бўлса. Аммо бутун бир халққа қарата бундай дейишлик ўз ўрнида хато бўлган бўларди. Афсуски, Ўзбекистон халқи ҳам ўша жони чиқаётган вужудга ўхшаб ҳар нарсдан бўлсада, яхшилик умид қиладиган бўлиб қолган. Элга танилганлардан кимдир бирови “балки...” деб сўз бошлаб қолса ҳамма ўша балкидан умид қилиб қолаверади. Миллатимиз шуури ҳам аслида шунақа.

Масалан, эл оғзида шундай “ҳикмат” бор: “отангни ўлдирганга онангни бер”. Бу фақат бизнинг миллатда ва бизнинг содда элда бор бўлган ҳикматдир. Дунёнинг бошқа мамлакатларида “отангни қасдини ол”, “элнинг посбони бўл” каби ҳикматлар

да қилибди. Шу билан бирга, уларни иситиш ҳам электр қуввати ёрдамида амалга ошириладиган бўлибди.

Бу шунчаки ёлғон ва бу сафсатага ишонганлар ҳам кам бўлмаган. Чунки Ўзбекистонда аҳолини фақат электр қувватига боғлаб қўйиш учун етарлик даражада электр энергияси ишлаб чиқарилмайди. Мамлакатда (АЭС) Атом электр станциялари мутлоқ мавжуд эмас, мавжуд бўлган иссиқлик ва гидроэлектр станциялари қуввати Республика аҳолисининг эҳтиёжини қондиришга ҳам етмайди. Боз устига Ўзбекистон чет элларга ҳам электр қувватини экспорт қилади. Тағин шуниси ҳам маълумки, ўзбекистонда янги электр станциялари қурилиши режаланаётгани йўқ.

Совет давридани “ёдгорлик” бўлиб қолган симёғочлар ва улардаги симларнинг электр ўтказиш имкони ҳам чегараланган бўлиб, нари борса 380 Вольт қувватни ўтказиб бера олади холос. Хўш, бундай шароитда Г. Каримованинг ширин ёлғонига учигана бало борми? Биров ишонмаётган бўлса эҳтимол, аммо биз юқорида айтганимиз, “балки...” деган умидбахш сўз юракларни ўртайди ва кишини нимадандир умид қилишга ундайди.

Демак, Гулнорахон президент бўлиб олгунига қадар одамларнинг ўзига ишонтириши шартми деган саволни ҳам қўйиб қўрайлик. Албатта йўқ! Мамлакатда очик ва адолатлик сайловлар ўтказилинмас эмас, Г.Каримованинг Ўзбекистон ҳукумати тепасига қелиши учун яшил чироқлар ҳозирда ёниқ. Яъниким, шунисиз ҳам у президент бўла олади! Унда нега бунақа қилмоқда? Гап шундаки, у ҳукумат тепасига қелиши олдидан одамларга оз бўлсин, умид баҳшида этмоғи керак. Майли, келгусида бу умидлар сўнсин, майли, одамларнинг ундан қўнгли қолсин — лекин барибир келажакка сохта бўлсада, отаси эълон қилган ўша буюк келажакка ёлқиндек бўлсада умид қолсин.

Каримов ҳам ҳокимият тепасига келаркан, бутун мамлакат халқининг

Собиқ Совет республикалари орасидан биз бир вақтда мустақилликка эришган Қозоғистонни олиб қаранг. Бу мамлакатда ҳам Нурсултон Назарбоев диктатураси ўрнатилган, бироқ Остона ҳукумати элга иқтисодий эркинликларни бериб қўйган. Ўзбекистонлик ишсизлар эса жуда бўлмаса Қозоғистонга бориб пул ишлашга ҳам ҳаракат қилишади. Бу Республика айнан қандай ва қанча ютуқларни қўлга киритганлигини санаб бериш мушкул, лекин ҳозирда Қозоғистон коинотда ўзининг сунъий йўлдошига ҳам эгаллиги унинг тараққиётини исботлаб турибди.

Нега энди Ўзбекистон бу даражада ортда қолиб кетди? Нима учун табиий газга бой мамлакатда одамлар таппи ёқиб уйини иситади, нега ХХI ўзбеклари хонадонларини шамчирок билан ёритишлари керак?

Бунақа саволларнинг охири йўқ, аммо уларга расмий жавоб бера оладиган мард ҳам йўқ.

Ўзбекистон “маликаси” 22 август куни Чирчиқда «Келажак овози 2013» деб номланган медиа-лагернинг очилишида иштирок этиб, журналистлар саволларига жавоб берибди. Г. Каримованинг таъкидлаб ўтганига кўра, хорижга ишлашга кетаётган ўзбек ёшларининг 90 фоизи Ўзбекистонда ишлаши мумкин экан(?).

Тағин бу бўлғуси президентимиз бошқа мамлакталарда ишлаётган ватандошларининг кўрганида ўзида оғрик ҳис қилишини, ҳамда “бу ўзбек гастарбайтерлари Ўзбекистонда ишласа ҳам бўлардику” дея ўйлашини келтирган. Ажиб ва доно фикрлар(?).

Фақат сайловлардан соғ-саломат ўтиб олгунига қадар. Бироқ сайловларда, юқорида ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, “доно” президенти-мизнинг “доно” қизига бирор хатарнинг ўзи ҳам бўлмайди аслида. У президент бўлиши керак ва бўлади! Чунки Г. Каримовада бошқа имконнинг ўзи қолмаган. Ўзи истамаган тақдирда ҳам президент бўлишга мажбурдир у.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўзбекистондан келаётган янги маълумотлар ва хабарларга аҳамият қаратадиган бўлсак, қама қамалар ҳам бироз озайганини кузатамиз. Чунончи, на “Ҳизб-ут-таҳрир”, на “вахобий” ва на бошқа кўринишдаги террорчилару, жиҳодчиларни ҳам кундузи чироқ ёкиб топа олмайсиз. Чунки улар энди йўқ! “Нега энди йўқ? Балки авваллари бўлгандир.” – дерсиз хой на хой. Гап шундаки, авваллари ҳам улар бўлмаганди, фақат “Ҳизб-ут-таҳрир” аъзоларини ҳисобга олма- сак. Тагин ҳам бу ташкилотга мутлоқ алоқаси бўлмаганларнинг қанчаси тухмат билан қамаб ташланди. Хулласи калом, ёшлар масжидларга йўлай олмайдиган бўлиб қолишган. Кўча- куйда ҳижобга ўранган аёллар ҳам, салла ўраб юрадиган ёш-яланглар ҳам қолмади. Балки бу яхшиликка- дир(?). Тагин қим билсин? Ҳар неки, бундай ҳолни Ўзбекистон жанубида кузатилинмоқда. Балки водий вилоятларидаги аҳвол бошқачароқ бўлса ҳам керак. Яна қайдам.

Қиссадан ҳисса шуки, Ўзбекистон президенти И. Каримов шу кунлар- гача мамлакатни кизига ҳада қилиш шунча тадбирлар ўтказиб келди. Ма- салан, ўзбеклар Исломи дини агрофи- да жипслаша олишлари мумкинлиги олдида ховотирга тушган президент аҳолини диндан узоқлаштиришга уринди ва мақсадига ҳам етган кўринади. Умуман олганда, президен- тимиз шу ерда бир жиддий хатога ҳам йўл қўйган экан. Гап шундаки, бизни на бирор сиёсий ғоя ва на бирор дин бирлаштира олмайди. И. Каримовнинг амбицияси остида эса минглаб одам- лар хонавайрон бўлди, минглар ўлди.

Хўш, келажак нима бўлади энди? Ўзбекистоннинг буюк келажоги неча йилга, ёки неча асрга ортга сурилди экан? Бунисига ҳозир ҳеч ким аниқ жавоб айта олмаса керак. Чунончи, ўзбекларнинг буюк келажоги бу ҳеч қачон етиб бўлмас уфққа ўхшайди.

Ўзбекистон олдида турган яна бир қатга фалокат эса, мамлакат ичида лак-лак ишсизларнинг пайдо бўлиши бўлади. Ҳозиргача улар Рос- сияда ишлаб оила боқаётгани бор эди, аммо Россия Федерацияси ҳам янги тартиблар жорий этмоқдаки, бу билан ўзбеклар учун мардикор- лик қилиш ҳам қатта бахтга айлана- ди. Улар ҳукуматга қарши бирор иш қилишларига эса умид ҳам, ишонч ҳам йўқ. Демак жиноят кўпайишини, талончиликлар авж олишини кутиш мумкин бўлади холос. Г. Каримо- ва мана шу янги муаммолар билан тўқнаш келадиган президент бўлади.

Тўлқин Қораяв
Швеция.

КЕЛМАГАН “ОТА” УЧУН ШУНЧА ДАҲМАЗА

Ҳар сафар Самарқандга президент И.Каримовнинг келиб кетиши Пойарик туманидаги Имом Ал-Бухорий ёдгор- лик масжид-мажмуаси атрофидаги яшовчи аҳолига ва Республика вилоят- ларининг турли жойларидан ташриф буюраётган зиёратчиларга анчагина қийинчиликларни юзага келишига сабаб бўлиб келмоқда, дейди шу ерда яшовчи фуқаролар.

Жумладан 30 август куни Самарқандда “Шарқ тароналари” фе- стивали очилиши муносабати билан 28-29 август кунлари Имом Ал-Бухорий ёдгорлик масжид мажмуаси атрофи- га МХХ ходимлари, 800 дан зиёд ИИБдан ва вилоятлардан жалб этилган 300 га яқин ИИБ Давлат Автомобил Назорати ходимлари назоратида бўлди.

Имом Ал-Бухорий ёдгорлик масжид мажмуаси атрофидаги маҳаллалардаги ҳар бир кўча бошини 15та юк автомобили билан тўсиб қўйилган, хаттоки ҳар бир хонадонга ва кўчага милиция ходимлари бириктирилиб, шу ерда яшовчи аҳолидан кун давомида уйдан чиқмаслик ҳақида, хатто уйдан мол-қўй, товук ва итларни ташқарига чиқармаслик ҳақида тилхат ёздириб олганлар.

Кўчалар эрталаб соат 09.00дан бошлаб така-так ёпилган, фақатгина Самарқанд шаҳридан Имом Ал-Бухорий ёдгорлик масжид мажмуасига борила- диган 30 қақирим масофа йўл МХХ ва милиция ходимлари томонидан назорат остига олинган, фақат президент корте- жи учун очик эди. Лекин афсуски, кун бўйи йўлга мутъ қилган юртбоши, яъни “Ота” келмади. Ниҳоят, ёпилган йўллар кечги соат 19.00да очилди.

Юртимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпин билан бирга И.Каримов келяпти, деган эҳтимол борасида 8-9 сентябрдан бош- лаб яна МХХ ва ИИБ ходимлари Имом Ал-Бухорий ёдгорлик масжид мажму- асида ҳозир-нозир бўлдилар. Айти- шимиз жоизки 10-сентябр куни имон Ал-Бухорий масжид мажмуасига Респу- бликамик вилоятларидан зиёратга таш- риф буюрган отахону-онахонлар ва ёш болали оилалар ҳавонинг ёқимсиз иссиқ ҳароратида йўллар бўйида кунни кеч қилдилар.

Боз устига Имом Ал-Бухорий ёд- горлик масжид мажмуаси атрофидаги барча савдо шаҳобчалари, жумладан озик-овқат дўконлари, чойхона ва ош- хоналар Каримовнинг рўйхатидаги кун тартибига киритилмаган ташрифи боис 30 август ва 10 сентябр кунлари ёпиб қўйилган. Бу сафар ҳам соат 09.00да ҳар сафаргидек барча дўконлар, маҳалла кўчалари ёпиб қўйилган ва зиёратга кел- ган зиёратчилар кута-кута кечгача кутиб вақтлари кетган.

Кутишдан хуноб бўлган баъзи зиё- ратчи меҳмонлар зиёратдан воз кечи- б, қайтиб кетганлар ҳам бўлган!

Сарлочин



Россиянинг Саратов шаҳрида рус миллатчилар гуруҳи «Ок вагон» акция- сини ўтказганлар. Мазкур акцияга бино- ан, миллатчилар трамвайларга Қофкоз ва Осиёдан келиб чиққан одамларни киритмасликка қарор қилганлар.

Саратов шаҳрининг «Болалар парки» ёнидан №3 трамвайга чиққан миллатчи ёшлар вагоннинг эшикларини олдида ту-

РОССИЯДА МИЛЛАТЧИЛАР ТРАМВАЙЛАРНИ МУҲОЖИРЛАРДАН ТОЗАЛАШМОҚДА.

риб олиб, фақат славян кўринишига эга бўлган фуқароларнинг киришига рух- сат берганлар. Сайтда ёзилишича, зид- диятлар юзага келмади, чунки трамвай эшикларини олдида турган никобли йигит- ларни кўрган муҳожирлар хатто вагонга чиқишга ҳаракат ҳам қилишмади.

Сафар давомида акциянинг иш- тирокчиларидан бири трамвайдаги йўловчиларга юзланиб, «Русская про- бежка» ҳаракати иштирокчилари ва қофкозликлар ўртасида аввалроқ юзага келган муштлашув ҳақида сўзлаб берган.

Бу муштлашувда миллатчи рус саф- дошлари жароҳат олганини айтган воиз сўнгра йўловчиларни ўз миллати тақдирига бефарқ қолмасликка қақирган ва миллатчи йиғинларга қўшилишга ун- даган. Сайтнинг хабар қилишича, поли- ция ҳеч кимни мазкур қақироклар ёки акция учун ҳибсга олмаган.

Қатнашчилар муҳожирлар улар- га қандай таҳдид қолиши ҳақида сўзлаганлар. «Кўчага чиқсанг, улар биз- га бақиршади, эй сен, русский, буёққа кел, биз сени чўчкадек сўямиз, дейи- шади.» — деб айтган Фёдор исмли бир иштирокчи. «Биз ўз она шаҳримизда бизни отиб ўлдиришади, ё сўйишади, деб кўрқиб яшашни истамаймиз.» — деб айтган яна бир иштирокчи.

Россия бўйлаб охириги икки ой ичида муҳожирлардан тозалаш, яъни «зачист- ка» акциялари авж олган. Миллатчилар Москва, Санкт-Петербург ва бошқа йи- рик шаҳарларда бозорларда савдо билан шуғулланаётган марказий осийлик ва қофкозлик кўринишига эга одамларни сикувга олганлар.

Нацистлар салютини берган миллат- чилар аксар акцияларини Россия поли- циясининг кўз остида, ва баъзи ҳолларда полициянинг ҳамкорлиги билан амалга оширмоқдалар.

www.bbc.co.uk/uzbek

Давр ўзгарган сари, жамиятда, одамлар муносабатларида ҳам ўзгариш содир бўлаверади. Сиёсий тушунчалар, янгилари билан алмашади. Айримлари эса, умуман истеъмолдан чиқиб кетади. Бундан 3-4 йил илгари, Каримов шахсининг сиёсий ва маънавий киррасини, бирор мухוליфагчи очикчасига танқид қилганида кўпчилик макулламаган бўлар эди. Яъни: Каримов арпангни хом ўрдими? Ёмон дейишдан олдин, у курдирган иморатларга кара. Ҳамма ёқ обод-ку. Корнинг тўқ. Тинчликда яша-лсан, шукур қил, деган бўлар эди.

БЕАНДИША АХБОРОТЧИЛАР

Аксарият халқ вакилларининг ҳаётига ва онгига, сиёсатдаги ва бошқарувдаги камчиликлар, фақат вақт ўтиши билан етиб боради. Бугун халқ, 5-10 йил бурунги қўйилган сиёсий ва иқтисодий камчиликларнинг “мевасини” чайнаяпти.

Тинглаганда, кулоқларни ва мияяни чарчатадиган, президент шахсига қаратилган сиёсий мактовлар, режимнинг социал закази бўлиб, ҳар бир одамнинг онгига ОАВлари орқали сингдирилади. Бугун, ОАВ тарқатаётган янгилликларда, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётини, сиёсий ва иқтисодий режаларини, амалий ишларини бир тамонлама ёритиш, яъни режимни мадҳ қилиш амаллари йўлга қўйилган.

Каримов режими, жамиятимиз тараққиёти механизмини, мутлоқ издан чиқарди. Энди эса, мамлакатни маданиятли бошқаришнинг иложи йўқлигидан, режим эгалари, жамиятимизда камчиликлар йўқ деб, тарғибот қилаяптилар.

Шу билан бирга, жамиятимизда содир бўлаётган иллатлар тўғрисида оғиз очилмаяпти. Масалан:

1.Порохўрлик ва толонторож ишлари гапирилмайди. Гўёки, бундай социал ҳодисалар бизнинг жамиятимизда йўқдай.

2.ОАВ тармоқларида, жамиятимиздаги тенгсизлик ва адолатсизлик кўринишлари, қисман ёритилади. Лекин, уларга ижтимоий баҳо берилмайди. Бу кўринишлар, идеологик нуқтаи назардан ҳам маъруза қилинмайди.

3.Ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга кўра, мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий саҳолари, шунчалар ривожланган экан-ки, дунё иқтисодидаги етакчи мамлакатлар ҳам, бизнинг иқтисод намуналаримиздан ибрат олаётган эмиш.

4.Мамлакатимиз тинчлиги ва Каримовнинг борлиги, халқимизнинг тубан бойлиги эканини, ҳар кун ва ҳар хил вариантларда, ОАВ орқали, ташвиқот қилинаяпти.

5. ОАВ хабарларига қараганда, мамлакатимиздаги тўқчилик, мўл-кўлчилик Каримов амалий иш фаолиятининг нъматлари экан.

6.Халқ таълими муассасаларидаги, ўрта ва олий ўқув юртиларидаги, соғлиқни сақлаш системасида содир

этилаётган чексиз порохўрликлар, мамлакат иқтисодини ва жамиятимиз маънавиятини тушкунликка солаяпти. ОАВлари эса, бу фактларга тўхталмаяптилар. Таҳлил ҳам қилмайдилар.

Вазиятдан келиб чиқиб, ОАВ мамлакат кундалик хабарларни изоҳлашда, вазиятни “тушунтирувчи” хабарлар матнида, кўп такрорланучи сўзлар пайдо бўлиб қолган. Бу, жамият ривожини хрестоматик ифодоловчи, лекин бизнинг жамиятимиздаги реал воқеликни изоҳлашга тўғри келмайдиган, ўзбекча сўзлар мажмуасидир. Масалан:

-Тинчлик бебаҳо нъматдир.

-Қонун устуворлиги.

-Каримов кўрсатмаларига

биноан...

-...бергани учун Каримовга

катта раҳмат.

-Фаровонмиз, бахтиёрмиз.

-Азиздир инсон, бу муқаддас

Ватанда. Ва ҳақоза...

Жамиятда ютуқ бор экан, демак унда камчилик ҳам бўлади. Камчилик ва ютуқлар тафсилотлари билан, мунтазам равишда, мутахасислар шуғулланишлари даркор. Шунда жамият камчилиги, тўла аниқланади ва айнан шу камчиликларни бартараф қилувчи ечимлар ҳам топилади.

Мамлакатимиздаги ижтимоий камчиликлар тўғрисида, ОАВда гап юритилмаслигининг, уларнинг муҳокамага қўйилмаслигининг асосий сабаблари, Каримовнинг бошқарув принциплари ва маслаҳатларига, сўзсиз риоя қилиб, унга қарши чиқиб билмасликларидандир. Бундай ҳолатнинг 23 йилдан бери мавжудлиги, мамлакатни иқтисодий ва жамиятни маънавий кризис ҳолатида ушлаб турубди.

Президент, мутахасислар билан фикр алмашишга ўрғанмаган. ОАВлари ходимларидан, ўзининг фикри ва мулоҳазалари учун, таҳрир ва тақриз олишга, мутлоққа тоби йўқ. 75 ёшдан ошган Каримовнинг, халқ муоммоларини чуқур таҳлил қилишда, унинг шахсий билими, албатта камлик қилади. Чунки, мамлакат муоммолари ечимлари билан шуғулланувчилар, юқори даражадаги ижодий мутахасислар гуруҳларидан ташкил топган бўлишлари керак. Ваҳоланки шу кунгача, фақат президентнинг шахсий фиклари, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий муоммоларини ечишда асосий рол ўйнаб келган.

Мутахасислар, мамлакатимиздаги долзарб муоммолар лойиҳасини, замонавий ва илмий асосда ечишлари ҳам мумкин. Лекин, бу лойиҳанинг амалга оширилиши, барибир Каримов хоҳишига боғлиқ. Мамлакатнинг иқтисодий ривожини, қатъий йўналишга эга эмас.

Шунинг учун ҳам, мамлакат амалдорлари, харидоргир истеъмол молла-

ри бўйича, кўшма қархоналар устида бош қотирадилар. Нагжида, бойваччани бойитадиган ва давлат ғазнасини бўшатадиган, кичик қархоналар пайдо бўлаяпти. Асосий ишлаб чиқариш қархоналари ёлпасига ишламаётган мамлакатда, халқ хўжалиги имкониётларига ва унинг ишлаб чиқариш режаларига асосланмаган, кичик қархоналарнинг жорий қилиниши, иқтисод қонунига зид амаллардир. Чунки, кичик қархоналар ривожини, мамлакатнинг асосий саноат тармоқларининг моддий, молиявий ва техноложик базаси билан боғлиқдир.

Иқтисод, юқори кабинетларда ўтириб, ҳолис иш юритиши керак бўлган хизматчиларнинг, интеллектуал меҳнатлари билан, бошқарилаётгани йўқ. ОАВчилар, президент кўрсатмалари асосида “ижод” қилиб “-Биз Каримов кўрсатган ягона тўғри йўл билан, кетаяпмиз” деган шiorлар билан, халқ ҳаракатини жиловлашга катта таъсир кўрсатмоқдалар.

Ўзбекчилик удумлари билан ҳаёт кечиришга кўниккан халқимиз, бугун ОАВдан, мунтазам равишдаги тарқалаётган сафсаталарига ишонмай қолди. Лекин халқ, ёлғонга чида-япти. Чидаш(сабир) ва шукур қилиш ўзбекчилик элементларидандир.

Ўзбекистондаги тўртинчи “ҳокимият” эгалари шуни тушунсинки, Ўзбекистон киоскаларда, ҳафта давомида, газеталарнинг ҳар бир наминалидан, 4-5дона сотилаётгани рост. Асосан уларнинг 3-4 донасини зиравор сотадиغان майда савдогарлар олишар экан. Улардан сўрасам, бу газетлар билан ўралган зираворлар, “качество”сини йўқатмас эмиш. Демокчиманки, миллий газеталаримизни ҳеч ким ўқимайди, сиёсий телепрограммаларни эса, ҳеч ким кўрмайди. Халқимиз қалбидаги сокинлик, инқилобий жўшқинлик та-монга силжияпти.

Бунга бир мисол: Мен, ҳамшиша 5-6 одам даврасида Каримов тўғрисида танқидий фикр юритаман. Илгарилари, менинг бундай ҳаётий маърузаларимдан, йиғилганлардан кўпчилиги, боҳона топиб қочиб кетишар эди. Қолганлари эса, юрак ҳовичлаб мени эштишар эдилар.

Бугун, менинг фикрларимни кўпчилик маъқуллаб, Каримовнинг, мамлакатда содир бўлган иқтисодий ва маънавий бўҳронда, жуда катта айби бор эканига ишонаяптилар. Демак, халқимизнинг кўрқув ҳисси бир поғона пасайибди. Инқлобий ҳис эса, бир поғона кўтарилибди.

Жамият аъзоларидаги бу ҳақли маънавий ўзгаришлар, албатта мамлакатимизни инқлобий ўзгаришларга олиб келади. Бу фоний дунёда, ҳар бир жараённинг ипидоси бор бўлгани каби, интихоси ҳам бор. Режим, албатта қулайжак. Чунки, режим ўз интихосига жуда яқин турубди.

Н. Жаманиёзов
Тошкент.



1990 йилларда президент Каримов шаҳар бўйлаб унча кўп бўлмаган кўриқчилар билан юрарди.

ОАВ мухбирларидан бири, ўша 10 йиллик охирида вокзал ёнида унинг иккита-учта амалдорларга, улардан бири қайсидир вақтлар маслаҳатчи бўлган Исмоил Жўрабеков эди, 14 туркистонлик комиссар ёдгорлигини

Мустақиллик майдони олдин ёпилди, бетонлари олиб ташланди, кейин эса арчалар экилди.

Каримовнинг “Оқсарой” резиденциясига яқин бўлган Анхор бўйидаги кафелар бузиб ташланди.

Кейин “президент трассаси” бўйидаги барча кафеларни буза бошладди.

чапга бурилади ва бир неча километр ортиқча йўл босади.

Энг ёмони Ўзбекистон пойтахти марказини Қўйлиқ билан боғловчи Фарғона йўли кўчасида бўлди.

“Президент трассаси” бу йўл билан кесишгани учун унинг охирини ёпишди, транспортларнинг катта қисми ўтадиган кўприкнинг бир қисмини бузишди, собиқ йўлнинг ўрнига келажакда тиклаш қийин бўлиши учун кўпқаватли уйлар қуришди.

Натижада президент Каримов учун “алоҳида ажратилган линия” берилди, у ярим шаҳардан ўтади ва бошқа трассалар билан деярли кесишмайди. 10 минглаб машиналарнинг айланма йўллар билан юриши ва узоқ вақт тиқилинча туриши уни ҳеч ҳам қизиқтирмайди.

Шаҳарнинг икки миллионлик аҳолиси бўлган деярли барча марказ қисми “тозаланди”.

ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШИДАГИ КАСАЛЛИК

Барча давлатлар раҳбарлари атрофида кўриқчилар билан юриши, бу- табиий ҳолат. Лекин Ўзбекистонда аҳвол биров бошқачароқ. Президент шунчаки кўриқчилар билан эмас, бутун бир артиллерия билан юради. Аввалида унчалик ҳам эътибор бермаган Каримов, бугунга келиб ўз ҳаётидан қаттиқ хавфсирайди.

кўрсатиб турганини кузатишга муваффақ бўлган эди, балки уни олиб ташлашни кўрсатгандир.

У пайтда милиция ўтиб кетаётганларни йўлнинг нариги томонидаги пиёда йўлқаларигача тўсиб турган эди.

Демак, президент оддий одамлардан 15-20 метр узоқда бўлган. Албатта у одамлар билан мулоқот қилишга интилмаган – у “қимматли” буйруқлар бериш билан банд бўлган, ҳеч қандай кўркувни кўрсатмаган.

Хаммаси 1999 йил февралда Тошкентда рўй берган портлашлардан кейин ўзгарди. Улар Каримовни жуда қаттиқ кўрkitганга ўхшайди: ҳукумат ўзини кўриқлаш учун тезкор чоралар кўрди.

Биринчи бўлиб пойтахтда рўйхатдан ўтиш таъқиқланди (мамлакат пойтахтида рўйхатдан ўтмай турган одамлар хавфи ва уларни олдиндан билиб бўлмайди).

Кейин шошилмаган, аммо давомли ҳолатда шаҳар марказини “тозалаш” бошланди. Назарий жиҳатдан одамлар оммавий йиғилиши мумкин бўлган жойлар, шунингдек “стратегик” объектлар – Каримовнинг резиденциясига ўтиш жойлари ва уни кузатиш мумкин бўлган жойлар йўқ қилинди.

Жумладан совет пайтида кўп сонли парад ва намоишлар бўлган Тошкентнинг асосий майдони —

Буюк ипак йўли метроси ёнидаги ер ости йўлида жойлашган магазинларни бузиб ташлашди (уларнинг устидан ҳар кун президент ўтади).

Уларнинг орқасидан Тошкентдаги бошқа минглаб магазинлар бошқа сабаблар билан йўқ қилинди.

Ҳукумат бирин-кетин объектларни “зарарсизлантирар” экан мамлакат президентида очикчасига параноя бошланди ва у вақт ўтиб кучая борди.

2005 йил Андижондаги ҳукуматга қарши намоиш бостирилганидан сўнг у портлагандай бўлди: Тошкентда “президент трассаси”га чиқувчи барча йўлларни ёпа бошлашди, нафақат ёпишди балки кўма бошлашди.

Биринчилардан бўлиб ЦУМдан Космонавтлар чорраҳасига (яъни президент трассасига) олиб чиқувчи йўл ёпилди ва кўйиб ташланди.

Кейинги йилларда шундай ҳолат ўзбек пойтахти марказий қисмидаги ўнлаб йўллар билан содир бўлди, уларнинг кўпчилиги машиналар тўхташ жойига айлантирилди.

Каримовнинг “Дўрмон”даги резиденциясига яқин жойлашган ва Тошкентдан унинг атрофида, кейин эса Чирчик ва Ғазалкент томонга олиб кетувчи автомагистралда ҳаракатланиш таъқиқланди.

Энди барча машиналар Дўрмонга етмасдан у ерда ўтирган қария ўзини хавфсиз жойда деб ҳис қилиши учун

У ерда кўплаб кафе, магазин, ресторан, бозорларнинг бир қисмини ёпишди, деярли барча автобекатларни бузишди – қисқаси кўп одам йиғилиши мумкин бўлган жойлардан қутулишди.

Бир йилда икки-уч марта президент резиденциясидан одамлар орасига — Форумлар саройига ёки Навоий миллий боғига чиқишига тўғри келганда милиция ва махсус хизматлар ҳатто чивин ҳам учиб ўта олмаслиги учун бир ярим километр радиусда барча йўлларни ёпади.

Юқорида тилга олинганлар фақатгина хавфсизлик чоралари эмас, балки ўзбек лидерининг психик ҳолатдан нормал эмаслигини кўрсатади. 2011 йилда Тошкент метросидан унга фойда келтириб турган рекламалар олиб ташланиб, ўрнига огоҳликка даъват этувчи плакатлар қўйилди.

Шунинг учун “ўрناق” сохта офислар кўчаси бир томондан дунёга Ўзбекистоннинг “муваффақиятларини” намоиш қилишни истаётган, иккинчи томондан қандайдир кузатувдан хавфсираш, аниқроғи, диктаторлик касаллигига йўлиққан президент Каримов психикаси билан боғлиқ муаммонинг кўриниши.

Матн тайёрланишида uznews.net сайтидан фойдаланилди.

ЎХХ хабар маркази

БАХТИҚАРО ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ



Тошкент тадбиркорлик марказлари Тошкентнинг энг гўзал масканларидан бири. Аммо бу гўзалликни кўриш, у ерда бемалол тадбиркорлик қилиш кийин. Сабаби, у ердан “президент трассаси” ўтади.

East Telecom, Алоқа-банк, Gissarneftgaz, UzGazOil, Alubond, Руминия мебелли, мебель Erson, Trade House, Gloriainvest ва бошқа турли хил фирма ва ташкилотлар номлари билан безатилган чиройли фасадлар бир қатор тизилган.

Аммо порлоқ фасадлар орқасида ҳеч нарса йўқ; фирмаларнинг кўп қисми аллақачон Ўзбекистонни ташлаб кетган, қолганлари эса шаҳарнинг бошқа туманларига жойлашишни афзал билишади, шундай экан чиройли офис бинолари

мана бир неча йилдирки ярим бўш ёки бўм-бўш.

Бунинг сабаби оддий: офис бинолари “президент трассаси”да, яъни президент кортежи кунига икки марта ўтадиган кўчада жойлашган, шунинг учун хавфсизликни таъминлаш мақсадида уларга тўлиғича ишлашга қўйиб беришмайди.

“Президент трассаси” – Тошкентда энг кучли қўриқладиган объектлардан бири ҳисобланади, бу ерда шаҳар милиционер, ГАИчи ва МХХчиларнинг ярмидан кўпи йиғилади.

Шу сабабли ҳам президент йўли ёнида қурилган бу бахтиқаро офис идораларига нормал кириш подъездлари йўқ.

Уларнинг барчаси Космонавтлар чоррахасидан бир ярим километрдан иборат ғиштдан қурилган столбиклар ёрдамидаги металл тўсиқлар билан ажратилган. Офисларга чорраха томондан ўтиш йўли умуман йўқ.

Бу тўсиқ олдида машинани кўйиш мумкин эмас (масалан сиз Алоқа банкка кирмоқчи бўлдингиз), кутилмаганда бу ерда террористлар ичига портловчи модда қўйилган машина қолдириб кетсачи?...

Натижада чорраха бўйлаб жойлашиб кетган офисларга чорраха томондан

яқинлашишнинг умуман имкони йўқ.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Агар кимдир офиснинг фасад қисмига келишга ҳаракат қилса, бундай ҳолатда ҳам унда муаммолар пайдо бўлади: офис бинолари олдида йўл умуман йўқ, фақат баъзи бир жойлари ёпилган тор пиёда йўлкалари бор (бу президент трассасидан кўринмайди).

Агар иш қайнаса...

Шунга қарамасдан баъзи бир офисларда иш қайнади. Уларнинг ёнига фақат орқа томондан – Космонавтлар чоррахаси бўйлаб қурилган совет даври 9 қаватли уйлар томондан келиш мумкин (офислар чорраха ва 9 қаватли уйлар ўртасига қурилган). У ерда ҳатто машиналарни кўриш мумкин. Аммо бу бизнес марказларда кўриладиган ҳаёт эмас.

Уларга кириш деярли ҳар доим орқа томондан, 9 қаватли бинолар томондан бўлган – “президент трассаси” томондан бўлган марказий кириш эса ёпилган.

Вақт ўтиб офисларнинг ижарага берилиши ҳақида плакатлар пайдо бўлди. Ижарага олишни истаганлар кам эди.

Юқоридаги гаплардан келиб чиқадиган хулоса маълум: у ерда бизнесга ўрин йўқ, унга онгли равишда президент Каримов ҳалакит бермоқда.

Бу озода, порлоқ биноларнинг бажарадиган иши битта холос – борлигини кўрсатиб туриш.

ЎХХ хабар маркази

Даладаги мажбурий меҳнатдан фақат ўлимгина озод қилади

Жиззах вилоятининг Зомин туманида барчани текин пахта теримига ҳайдашмоқда, на қариялар на касалларни аяшмаяпти.

Золим диктатор ўз буйруқларини тўхтатмаяпти шекилли. Яқинда Зомин туманидаги 48 мактабда, маҳаллий раҳбарлар Аржа, Шўрча, Гулба қишлоғи фуқароларига бошланган пахта терими мавсумининг хусусиятлари ҳақида тушунтиришди.

Туман ҳокимлиги амалдорлари, барча фуқаролар тўлиқ таркибда пахта теримига чиқишлари шартлигини билдиришди. Даладаги мажбурий меҳнатдан фақат ўлимгина озод қилиши мумкин.

Яъни, ҳеч қандай касаллик, қарилик, хомилдорлик ёки эмизикли чақалоқнинг борлиги пахтадан озод бўлишга сабаб бўла олмайди, дея билдирди Зомин ҳокимлиги вакили.

Йиғилишда иштирок этган айрим қариялар, далада ишлай олмаслиги ҳақидаги эътирозларига, — у ҳолда ўринларига бошқа теримчи ёллаши кераклиги ҳақидаги жавобни олишди.

Таҳдид оҳанглари янгради. Кимки теримга чиқмас экан, электр ўчирилади, болалар нафақалари

ва пенсиялар кечиктирилади.

Энг ёмон янгилик, пахтанинг текин териб берилиши ҳақида бўлди. Ҳукумат теримчиларнинг ҳақи учун сариқ чақа ҳам бермоқчи эмас.

Бир кило терилган пахтанинг нархи 140 дан 160 сўм (тахминан олти АҚШ центи) бўлади.

Фуқароларнинг, қандай қилиб улар, бепул ишлаб, оиласини боқишлари мумкинлиги ҳақидаги, аччиқ эътирозларига, амалдорлар тушунарсиз қилиб: “Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, шунинг учун пахтани бепул териб бериш керак”.

Зоминликлар мутлақо гаранг бўлиб қолишган, дейди маҳаллий кузатувчи, бироқ шу кунларда уларнинг уйлари эшигини ҳукумат эгалари тинимсиз тақиллатиб, пахтага чиқишларини талаб қилишмоқда.

Жиззах вилоятининг бошқа туманларида ҳукумат гарчи пахтани текин териб беришни талаб қилмаётган бўлсада, бироқ айна шантаж усулларини қўлламоқда — болалар нафақаси, пенсиялар тўланмаяпти, электрни узиб қўйиш

билан дағдаға қилинмоқда.

Айни пайтда Жиззах вилоятига аллақачон пойтахт Тошкентдан теримчиларни келтириш бошланган, улар орасида талабалар, бюджет ва хусусий идора хизматчилари бор.

Ўзбекистонда бу йилги пахта терими айниқса асабий миқёсдаги муҳитда кечмоқда.

Гап шундаки, мамлакат ҳукумати халқаро мажбуриятлари бўйича ўқувчиларнинг — 15 ёшгача бўлган болаларнинг меҳнатидан очиқ фойдалана олмаяпти, бу эса уларнинг назоратида бўлган пахта саноатини ларзага келтирмоқда.

Шу кунларда мамлакат бўйлаб Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) кузатувчилари, болалар эксплуатацияси фактларини аниқлаш бўйича иш олиб боришади.

Далада болаларнинг йўқлиги уларнинг қулларча меҳнати ўрнини, янги «пахта терувчи қуллар» катталар ҳисобидан тўлдиришга мажбур қилмоқда.

ЎХХ хабар маркази



жаррохлик амалиётига ундаш жуда қийин иш. Шунинг учун айрим хамширалар, уларнинг сўзларига кўра, очикдан очик аёлларни стерилизацияга даъват этмасликларини билдиришган.

“Аёл боласини йўқотса ва келгусида бошқа туға олмаса, бу мен учун жуда жиддий ахлокий жавобгарликдир. Мен бундай қила олмайман”, — дея иқроқ бўлади болалар поликлиникаси хамшираси Дилафруз.

Бирок, стерилизацияга рози

Шунинг учун бундай аёлларни стерилизация қилиш — давлат маблағини беҳуда сарфлаш, аёлларнинг ўзларига руҳий ва жисмоний жароҳат етказиш ва хўжақўрсин учундир.

Мантқиқа кўра, битта боласи бор ёки ҳали фарзанди йўқ аёллар стерилизация қилиниши керак.

Айнан улар яқин келажақда Ўзбекистондаги демографик обҳавони ҳал этишади. Бу ишда акцент айнан уларга қаратилиши керак.

БИР БОЛАСИ БОР ЁКИ БЕФАРЗАНД АЁЛЛАР СТЕРИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНМАСЛИГИ КЕРАК!

Ўзбекистонда туғилишни камайтириш дастури доирасида шифокорлар стерилизация қилинган аёллар сони бўйича фальсификация билан шугулланишди.

Ўзбекистон аҳолиси 2013 йилнинг 1 июлига қараб 30,18 млн.га, йил бошидан буён 189,9 минг ёки 0,6 фоизга кўпайди, дея билдиради Давлат статистика қўмитаси матбуот хизмати.

Туғилишни камайтириш тадбирлари, энг аввало бола туғиш ёшидаги, оиласида бир икки фарзанди бор аёллар орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини кўзлаган. Бирок ташвиқот, тарғибот ишларидан ташқари мамлакат ҳукумати шифокорларни турли контрацепция, жумладан жаррохлик воситалари билан таъминлади.

Уларнинг сўнгисидан аёлларни баъзан мажбурий, баъзан маҳфий стерилизация қилишда фойдаланилди.

Тошкент вилояти шаҳарларидан бири поликлиникасининг ходимаси, пойтахт Тошкентда стерилизация қилинадиган аёлларнинг миқдори бўйича режа тушганини айтади.

«Бизда 30 та хамшира ишлайди ва ҳар бирига камида бешта аёлни стерилизация қилиш бўйича мажбурий юклатилган, — дейди у, — бу дегани, бизнинг микротуманимиз бўйича йилига 150 аёл стерилизация қилиниши кераклигини англатади. Ва ҳар йили».

Хамширалар уйма уй юришади ва ҳар бир аёлга дастур мазмуни тушунтирилгач, бепул контрацептивлардан фойдаланиш ёки бачадон қувурини боғлаш таклиф этилади. Бу жаррохликнинг оғриқсиз, лазер ёрдамида қилиниши тушунтирилган.

Жиддий тиббий аралашувга эҳтиёжи бўлмаган, мутлақо соғлом одамни, ҳатто бепул бўлсин,

бўлишни истайдиган аёлларни топа олмаган хамширалар, раҳбарият таҳдиди ва таъқиблари объектларига айланишган.

Процедура хамшираси Ольга, керакли миқдордаги аёлни кўндира олмагани ва уни 15 минг сўм (тахминан 6 АҚШ доллари) беришга мажбур қилишганини айтади. “Ўз хамкасбларимдан эшитганим, айрим поликлиникалар ойликнинг 30 фоизига қадар жарималар белгилашган экан”, — дея қўшимча қилади у.

Медикларнинг сўзларига кўра, кўплаб аёллар, ҳужжатларда улар стерилизация қилинганлар қаторида эканликларини билишмайди ҳам.

Айрим аёллар эса кўнгилли тарзда қоғозда «стерилизация» қилинади. Хамширалардан биттаси режани бажариш имконига эга бўлмагани учун, ўз янгасини стерилизация бўйича жаррохлик ҳужжатига имзо чекдиришга мажбур бўлганини эътироф этади.

Медиклар, Ўзбекистонда туғилишни камайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилиши лозим дея ҳисоблашади.

Бирок бу бошқача кўринишда қилиниши керак деб ҳисоблашади. Уларнинг сўзларига кўра, аҳолининг бу масалада саводлилик даражаси ниҳоятда паст. Кимларни стерилизация қилишмоқда

Стерилизация амалини кўпроқ, аллақачон икки уч боласи бор аёлларга таклиф қилишмоқда.

Бирок, аксарият медикларнинг фикрига кўра, кўп болали оналарни стерилизация қилишдан мантқиқ йўқ. Уларнинг аксарияти ортиқ туғишни ҳам истамайди.

Айни пайтда кўплаб аёллар, эркакларнинг энг энгил сақланиш воситаси ҳисобланган презерватив ишлатишни истамасликларини айтишади. Шунингдек улар кўпинча мусулмон анъанасига кўра туғилишни назорат қилинишига қаршилиқни иддао қилишади.

Медиклар шунингдек, туғилишни камайтиришга қаратилган барча тадбирлар, мутлақо аёлларга қўлланилаётгани иддао қилишади. Болаларнинг туғилишига эркакларнинг ҳам алоқаси бор.

“Менинг танишим тўрт марта уйланди, барча хотинларидан бешта фарзанди бор. Бу ҳолатда кимни стерилизация қилиш керак?” — дея савол билан юзланади гинеколог кабинетида бачадонини боғлаш таклиф қилинган бир аёл.

Мамлакатда юзага келган, аҳолининг ошиши билан боғлиқ, мураккаб демографик вазиятни ҳисобга олиб, туғилишни камайтириш бўйича давлат дастури Ўзбекистон учун катта аҳамият касб этади.

Айниқса, агар, демографик муаммо, аҳолини озик-овқат, сув, турар жой, соғлиқни сақлаш, меҳнатга жойлаштириш каби ижтимоий муаммоларнинг занжирли реакциясини кўзгаётгани ҳисобга олинса.

Бирок бунга аҳолига бошқа усуллар билан етказиш лозим, деб ҳисоблайди медиклар ҳам.

Халқни стерилизация қилмаслик керак, уни бирмунча онгли ва саводли қилиш керак, шундагина улар нимани исташлари кераклиги ва муҳими бола кўришлари ҳақида ўйлай бошлашади.

ЎХХ хабар маркази

СУРХОНДАРЁДА МЕХНАТ БИРЖАСИ ХОДИМЛАРИ ОДАМ САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА

*Ушбу воқеа реал фактларга асосланган бўлиб, ўша ҳудудда яшаб турган
Камолiddин Мадартов ва Қодир Эшқобиловлар сўзидан қаламга олинди.*

2011 йилнинг январ ва феврал ойларида Қашқадарё вилоятининг Кумқўрғон туман Меҳнат биржасига келиб тушган факсда Россия Федерациясининг турли шаҳарларида иш берилганлиги хабар қилинган. Кумқўрғон туман Меҳнат биржаси ходими Худойбердиев Мамад бу маълумотни туман фуқаролари орасида тарқатган.

Буни эшитган кумқўрғонликлар жуда хурсанд бўлиб кетиб, шу туманнинг “Мўнчоктепа” маҳалласидан бўлган асосан ёшлардан иборат 20 киши маҳалла раиси Сафар Жумаевга мурожат қилишган. Сафар Жумаев уларни шартнома шартлари билан таништирган.

Шартномада иш берувчи томон ишчиларни доимий ётоқ жой, кийим кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаши кўрсатилган.

“Бундан ташқари”, деган маҳалла раиси Сафар Жумаев, “сизлар иссиқ биноларда, яъни, савдо дўконларида, макарон ва пишириқлар цехида ишлайсиз”. Шунингдек, маҳаллий мулозим ушбу иш бўйича шахсан ҳокимга, туман прокуратурасига, ИИБ бошлиғига мурожат қилиб, уларнинг тасдиғини олганини айтган.

2-3 нафар фуқаро Қарши шаҳридаги “Хонобод йўли” шоҳ кўчаси, 46-уйда жойлашган “Фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича минтакавий Қарши Бюроси Давлат унитар корхонаси” раҳбари У.И.Эшқобилов билан учрашган.

У.И.Эшқобилов фуқароларга “ҳамма томон муҳофоза қилинган”, деб ўзининг ишонч рақамини ҳам берган (+998-375-224-11-21).

“Лекин, 130.000 (бир юз ўттиз минг) сўм тўлови бор, бу сизларни “страховка” қилиш учун” деган. Бу шартга мўнчоктепалик 20 дан ортиқ йигит рози бўлган.

Лекин “Мўнчоктепа” расмийси Сафар Жумаев 130.000 (бир юз ўттиз минг) сўм ўрнига иш изловчи йигитлардан 250.000 (икки юз эллик минг) сўмдан, жами 5.000.000 (беш миллион) сўм йиғиб олган.

20 киши ўз ҳисобидан учок билети сотиб олиб, 2011 йил 24 феврал куни эрталаб Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига етиб борган. Лекин, келишувга асосан у ерда йигитларни ҳеч ким кутиб олмаган.

Улар аэропортда икки соатдан ортиқ кутиб тоқатлари тоқ бўлгач, сўраб-сўраб шартномада исми кўрсатилган Денис А.З. билан телефон орқали боғланган. Зум ўтмай аэропортга етиб келган Денис ишчиларни ўрмон ичидаги дачасига олиб борган.

Йўлда машина хайдовчиси фуқароларнинг паспортларини йиғиштириб олган. “Ҳозирча иш йўқ, подвалда ётиб турасизлар”, деб

ертўладан жой кўрсатган.

Ертўла 20 даража совук бўлган, ишчилар ноилж иш топилгунча чидаб ётишга мажбур бўлган. Ишчилар овқат сўраганида, “ўша ердаги болалар боғчасида ҳамма нарса бор”, дейилган. Бироқ, айтилган ерда панглаб кетган, кўкариб, қотиб қолган нонлар бўлган. Шунда мўнчоктепаликлар ўзларининг Россияда “пулланганлари”ни англаб етганлар.

Лекин, ўзбекчиликка бориб “чидаб турайлик, балки яхши бўлар”, деб қотган нонларни еб, яшаб туришган. Бу ахвол бўйича маҳалла раисига телефонда хабар беришган. Раис эса, “чидаб туришлар ҳаммаси яхши бўлади” деган.

Йигитлар бу ҳақда ота-оналарига телефон қилишдан уялганлар. Орадан тўрт кун ўтиб улар яшаётган уйга бир рус аёли келган ва ўзини “Галина Григорьевна”, деб таништирган. Аёл икки бола ишга чиқасанлар”, деб машинага ўтиргизиб қандайдир квартирага олиб боган. У ерда яна тахминан ўттиз уч ишчи бўлган. Улар ҳаммаси қурилишда ишлаган.

Қум, цемент, алебастр ва ҳоказоларни 12-қаватга қўлда ташиган. Уларга умуман дам берилмаган. Сурхандарёлик йигитлар бир ойдан сўнг Галина Григорьевнадан иш ҳақи талаб қилишса, у ишловчиларга, аксинча улар қарздор эканлигини айтган. Ишчиларнинг соғлиги ёмонлашган ва уйга кетиш учун паспортларини сўраган.

Салимов Баҳодир, Хидиров Хушбоғ, Холназаров Аброр, Ёкубов Бобомурод, Мадартов Камолiddин, Хидиров Олимлар ишга чиқмаган ва телефон орқали муоммони Ўзбекистондаги уйдагиларига тушунтирган. Уйдагилари Меҳнат биржа ва маҳаллага бориб жанжал қилишган.

Ўша вақт иш берувчи Денис Термиз шаҳрида бўлган ва ҳолатдан хабар топган. Денис Галина Григорьевнага айтган шекилли, у бориб ишчилардан шовқин кўтармасликни илтимос қилиб, бор-йўғи 100 рублдан иш ҳақни берган.

Шунингдек рус аёли, “кимки ота-онасига телефон қилиб, ҳаммаси яхши, иш бўлаяпти”, деб тинчлантирса, икки уч кун орасида иш берилишини ваъда қилган.

Бу ваъдага ишонган ўзбек йигитларининг кўпчилиги уйига телефон қилиб “фабрика ва цехларда ишлаяпмиз”, деб яқинларини алдашга мажбур бўлганлар.

Бироқ улардан икки уч киши “паспортимни бер, ишинг керак эмас, уйга кетамиз”, деганлари учун уларга куч ишлатиб, ташқарига ҳайдаган.

Ичкарида қолган маҳалладошларига ва бино кўриқчиларига тўполончиларни ичкарига киритмасликни буюрган.

Ишсиз, ётоқ жойсиз қолган мўнчоктепалик йигитлар қаҳратон

қишда кўчада тонг оттиришган.

Ўзлари билан бўлиб ўтган воқеадан яқинлари ва маҳалла раиси ҳамда уларни “иш шартномаси” асосида Питерга йўллантирган Меҳнат биржаси ходими Худойбердиев Мамадни хабардор қилганлар. Шундан сўнг уларга бирор тийин иш ҳақни берилмай, паспортлари қайтарилган.

Анча оворагарчиликлардан сўнг йигитлар Россия ҳудудида ишлаётган маҳалладошлари Эркин Жўраев ва укаси Баҳодирга дуч келишган. Ака-укалар мўнчоктепалик учовлон йигитни ўрмон ишларига жалб қилганлар.

У ерда иш берувчига яқин бўлган хоразмлик бир йигит (исми номаълум - тахр..) ойлик иш ҳақни 2000 минг АҚШ долларига тенг бўлган ишни савдолашиб, 500 долларга туширган. Шунинг баробарида уларнинг паспортларини ҳам олиб қўйган.

Йигитлар кўпроқ пул топиш илинжида тунда ҳам ишлашган ва бир неча ой ичида ўн минг долларлик ишни бажарганлар.

Бироқ, бу гал ҳам омади чопмаган ўзбек йигитларининг пуллари иш берувчи ва улар орасида даллолик қилган хоразмлик йигит ва ака-ука Жўраевлар томонидан ўзлаштирилган.

Ночор қолган мўнчоктепаликлар қурилиш хўжайинидан қўшимча иш олишга мажбур бўлган. Бир неча ойдан сўнг йўл пулини чиқарган йигитлар анча тортишувлардан кейин паспортларини қайтариб олган ва “Сурхондарём қайдасан!..”, дея ортга қайтганлар.

Саломатлиги жиддий ёмонлашган ва анчагина қарзга botган йигитлар ватанга қайтишлари биланок, Кумқўрғон туман ИИБ ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларига ёзма ҳамда оғзаки мурожаатлар қилганлар.

Афсуски, ИИБ масъуллари “бу ҳолат одам савдоси”га кирмайди, судга мурожаат қилинг”, дея бир энлик қоғоз ёзиб берган холос. Шундан сўнг туман фуқаролик судига ариза кўтариб борган йигитлар прокуратурага йўллантирилган.

Ўртадаги анча сарсонликлардан кейин Россиядан ноумид қайтган йигитлар туман МХХ бўлимидан бир энлик жавоб хат олишган. Хатда ёзилишича, уларнинг иши туман ИИБга оширилган.

ИИБга борган йигитларга яхши муносабатда бўлмаган туман милиционерлари “бу ҳолатда жиноят изи йўқ!”, дея уқтирганлар.

Хуллас иши муаллақ қолган мўнчоктепалик йигитлар айна кунларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, Ўзбекистон ва ундан ташқаридаги халқаро ташкилотларга мурожаат қилмоқда.

**ЎХХ махсус мухбири,
Сурхондарё**



Каримовнинг қилмишларини ёзган билан адо бўлмайди. Халқ бошига тушган ғам-ғуссасининг чеки йўқ. Зулмдан қутилиш учун нима қилиш керак?

Мен ҳайронман, 30 миллион одам ичида шу тўғрида ўйлаб, бирон бир чора кўриш йўлини кўрсатадиган одам йўқми. Мухолифат таркибида профессор,

Унга қарши чиққан, нафақат қарши чиққан, ҳатто қарши чиқиши мумкин бўлганларни тамоман эзиб ташлади.

Халқ эса ҳаммасидан хабардор, умр эса қисқа. Оч қорним – тинч қулоғим принципига (тўғрироғи принципсизлигига) ўтиб олди халқ.

Қани энди ҳурматли адолат-парварлар, мухолифатчилар, оптимистлар бу халқни демократик услубда жойидан қўзғотиб ёки ўша муттаҳамни ўрnidан кўчириб кўрингчи, кўлингиздан келарми-кан?!

Мен – “ЙЎҚ” – деб жавоб бераман. Агар ишонмасангиз, тарихчилардан, психологлардан, социологлардан сўраб кўринг.

БИЗ КИММИЗ ЎЗИ?

академиклар тиқилиб ётибдику. Қолаверса, ўзини мухолифатчи деб билмаган, аммо эсли-хушли, виждонли, шу билан бирга қуллик азобини тортиб юрганлар камми?

Биз киммиз ўзи?...

Ҳа, мана шундан бошлаш

керак эди гапни.

Биз киммиз?

Биз кўрқоқ халқимиз.

А, лаббай?

«Халқни ҳақорат қилманг»,

демоқчимисиз?

Бу ҳақорат эмас, бу айнан ҳақиқат!

22 йилдан бери бир шарлатаннинг мусиқасига ўйнаб, қолганига азоб чекиб, чидаб келаётган халқ – кўрқоқ халқ бў-ла-ди!

Ким қарши бу фикрга, марҳамат қилиб, бир қадам олдинга чиқсин.

Мен ўз халқини айблайдиган, ҳақорат қиладиган одам эмасман.

Гапни очик-ойдин, дангалини гапиришни яхши кўраман. Агар, у эди, бу эди, деб иш қилинадиган бўлса, керакли натижага етишиш қийинлашади.

Битта бизнинг халқмас, бошқа халқлар ҳам бизнинг вазиятда шу ҳолатга тушарди. Хўш, бизнинг ҳолатга нима қилибти?!

Бизнинг бугунги ҳолатимиз шундайки, бир муттаҳам, халқнинг ошкоралик давридаги эйфорик ҳолатидан фойдаланиб, тахтга чиқиб олди ва куч ишлатар тизимлар, депутатлар, қонун чиқарувчи тизимларни лақиллатиб ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Кети ўрнашиб олгандан кейин мутлақ ҳоким бўлди-қолди.

Кўрқув остидаги одамни қайси йўл билан зулмга қарши курашга чиқариш, қайси йўл билан кўчага олиб чиқиш, қайси йўл билан ўз ҳаққини талаб қилишга ўргатиш мумкин? Айниқса порахўрлик, коррупция, зулм болалаб ётган жамиятда...

Шу жойда озгина лирик чекиниш қиламиз.

Тарихга назар солсак. Дунёни ларзага келтирган Чингизхон, Темурларга ўхшаганлар қандай қилиб бу даражага етишишди? Ҳозирги пайтда бир чимдимгина бўлган мўғиллар ўша асрда, Чингизхон даврида қанча эди?

Чингизхон армияси аскарларининг сони кимларнинг ҳисобига кўпайиб кетди

Жаноб тарихчилар, нега биз ярим ҳақиқат билан яшашимиз керак?

Чингизхон шундай сиёсат тутдики, натижада унга қарши курашадиганлар у томон ўтиб кетишди. Сабаб? Сабаб — инсон психологиясида. Юқоридан қанча ваз карсон кўрсатманг, халқ барибир ўзи учун хавфсизроқ, оптимал вариантни танлайди.

Халқ оилалардан иборат, буни ҳаммамиз биламиз. Инсон ҳаётда оилам, бола-чақам деб яшашга ўрганиб қолган. Айниқса ўзбек халқи. Оила учун тинчлик-осойишталик жуда муҳим ўринда туради.

Иккинчи ўринда моддий таъминот, яъни еб-ичар, кийим – кечак, уй-жой, мол-мулк деганларидай. Уша, Чингизхон даврида ҳам шундай эди. Ҳимояси суст халқнинг устига бостириб келган

чингизхончилар ё ўлим ё тобеълик деганда кўпчилик тобеъликни танлаган.

Чунки бу тобеълик ортида ҳам шахсий манфаатлар ётган. – Сизлар мағлуб халқсизлар. Шунинг учун бизга ўлпон тўлаб яшайверасизлар. Иккинчи вариант-агар бизга кўшилишиб бошқа давлатларга қарши урушда қатнашсаларинг, талонда олинган бойликнинг бир қисми ўзларингга қолади.- Ана сизга сиёсат. Албатта кунини зўрға кўраётган одамлар енгил даромад йўлини танлайдилар.

Бу ёғини тарихдан билиб олинаверади. Темурчи, у нима қилган?! Яна ўша мавзу,-Халққа тинчлик керак. Тинчликми? Марҳамат! -Мен босиб олган ерларда тинчлик бўлади. Даромадми, марҳамат.- Ким менга содиқ бўлса бадавлат бўлади. Ана шундай қилиб унинг армияси сафи кенгайиб бораверди, давлатлар тиз чўкаверди. Тўғри, бу жаҳонгирларга қарши жон-жаҳди билан курашганлар ҳам бўлди. Аммо уларнинг ҳам сиёсати шунга яқин эди.

Нариги тарафдагилар нариги тарафдан кутишар эди бу марҳаматларни. Каримов бекорга Темурни улуғлаб чиқмади. У Темур тузукларини (балки Чингизхон сиёсатини ҳам) жуда мукамал эгаллаган шахс.

Унинг мухолифларидан устунлик тарафи шундаки, у ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай разилликдан тоймайди.

Андижон қирғини бунга яққол мисолдир. Унинг ташқи сиёсатдаги мунофиқликлари иккинчи мисолдир. Бу гапларни кимга айта-япман? Тиз чўкиб турган, кўрувга енгилган халққа, бу зулмдан қутилиш йўлларини излаётган, зулмга қарши курашаётганларга айтаётибман.

Азизлар, сиз ким бўлишингиздан қатъий назар, оддий ишчимми, деҳқонми, илмий ходимми, ўқитувчи, ҳукумат раҳбарими, мухолифатчимми фарқи йўқ. Кўзингизни очинг, қаранг қаршингизда ким турибтию, ёнингизда ким турибти!

Уша ўша одамлар. Фақат тарихда эмас, бугунги кунда, шу замонда.

Каримовда - ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўйувчи депутатлар, “гаҳ” деса қулига қунадиган раҳбарлар, кимўзарга бойлик тўплаш ишқига тушган ҳуқуқшунослар, судя,

(Давоми кейинги саҳифада)

БИЗ КИММИЗ ЎЗИ?*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

терговчилар, бос деса бераётган катта-катта маошларини оқлаш учун тайёр турган куч ишлар тизими аскарлари, югурдак ҳоким, ҳокимчалар, маҳаллий бошқарув органлари ходимлари, салла деса каллани кўтариб келувчи раҳбарлар, тонна-тонна олтин, газ, нефт, пахта..., тиш-тирноғига қурулланган, жанг қилиш борасида устаси фаранг армия, айқчилик ташкилоти, беш сўм кўрсатсанг иштонни тушиб кетадиган оддий ялоқхўрлар етарли. Уни енгиш учун шунга қарама қарши куч керак. Агар романтикани бир чеккага қўйиб, реал шароитдан келиб чиқиб иш кўрадиган бўлсак, авваламбор биз-муҳолифат аъзолари кучимизни бирлаштиришимиз керак.

Агар биз ҳақиқатдан ҳам душманни (Халқ душманини демоқчиман) енгмоқчи бўлсак ўз тарафдорларимизга курашиш учун шароит яратиб беришимиз керак. Чор россиясининг қурулли армиясига қарши кетмонлар билан чиққан Дукчи Эшонга ўхшаб эмас.

Душман танк дивизиясига отлиқ эскадрон билан қарши чиққан Чапаевга ўхшаб эмас, зарбадаст йигитларни замон шароитлардан келиб чиққан ҳолда, техник воситалар, конспиратив квартиралар, етарли даражада маблағ (токи курашчининг бир ҳаёли бола-чақасига нон топиш бўлмасин), ўта ҳавф остида қолганларни зудлик билан беҳавотир ерга этказиш, тарғибот-ташвиқот воситалари билан таъминлаш, бемаъниларча, барча инсоний қоидаларга зид равишда (яна ўша депутатлар томонидан) норозилик митинглари, йиғилишларни таъқиқловчи (муҳолиф томоннинг тазъийиққа олинишини қонунлаштириб берувчи) қарорларнинг тан олинмаслигини ўз чиқишлари билан билдиришларини ташкиллаштириш зарур.

Йўқ, биз ўзбекмиз – ўз ўзимизга бекмиз дейувчиларга эса яна бир йўл бор. Марҳамат, агар имкониятингиз бўлса ўз ташкилотингиз билан душманга ҳар тарафлама зарба бераверинг. Бу ҳам ғалабага етакловчи йўл, аммо сал узунроқ йўл.

Қандай бўлмасин курашиш ва ғалабага эришиш керак.

(Давоми бор)
Озодбек Элқезар

БОЛАГИНАМ

*Ўлар бўлдим, болагинам,
Элтиб қабрга от мани.
Бир кунингга ярар бўлсам,
Бир қоп кепакка сот мани.*

*Бошимма етди бу замон,
Эл беймон, халқ беймон,
Кўрар кун итдан ёмон,
Тушунмаслар ҳайхот мани.*

*Алпомишининг гурури йўқ,
Донишманднинг шуури йўқ,
Дардим айтсам уришиб дўқ,
Дерлар «муҳолифат» мани.*

*Майдон ичра мард топилмас,
Борини ёв писанд этмас,
Эл на қиларини билмас,
Ўйгот мани, ўйгот мани.*

*Бир сўз демайди баччагар,
Жуфти халолин бичсалар,
Тубан кетдикми шу қадар?
Қийнар ахир иснод мани.*

*Ўлар бўлдим, болагинам,
Элтиб қабрга от мани.
Бир кунингга ярар бўлсам,
Бир қоп кепакка сот мани.*

**ИСМАТ ХУШЕВ
ТОРОНТОДА**

*Гулларни қўй, шароб бер менга,
Ғазални қўй кабоб бер менга.
Сен ўзингни доно деб билсанг,
Саволим бор, жавоб бер менга.
Хаёт нима, ўлим нимадир,
Нега инсон умри беқадр,
Ҳақиқатни ёзган бир сатр,
Адолатли китоб бер менга.
Халқим учун нелар қилмадим,
Жоним бердим, бағрим тигладим,
Тупроғини ўтиб, йиғладим,
Бир ҳайқирай, хитоб бер менга,
Ё ярқироқ офтоб бер менга.
Умр ўтар шаъмдайин тутаб,
Хурлик қайда, фақат гап, гап, гап!
Яшаадик одамга ўхшаб,
Юзим тўсай, ниқоб бер менга,
Ёки кетай, жавоб бер менга.
Кўйлак олиб берай онамга,
Уй, жой қурай икки боламга,
Тўқ кўз билан қарай оламга,
О, ватаним жавоб бер менга,
Ишларимда шитоб бер менга.
Хаёт битта, биттадир ўлим,
Қайга етар узатсам қўлим,
Торонтода топганман қўним,
Чойхонам бор, жаннатдай сўлим,
Мендан рози хотиним, ўғлим,
Палов, лағмон берайин сенга,
Меҳмон қилай, савоб бер менга.*

Озодбек Элқезар

**ХАВФ ЎЗ ТАСДИҒИНИ
ТОПМАДИ**

19 сентябрь кун кечга яқин Тошкент метрополитенининг «Чилонзор» йўналишида эгаси йўқ пакет қолдириб кетилгани аниқланди.

Ўзининг соясидан ҳам қўрқадиган Каримовнинг қўл остидагилар ҳам аллақачон унинг каби фикрлайдиган бўлиб қолишган. Энг қизиғи, Ўзбекистонда тасодифан бир нарсани унутиб қолиш ҳам мумкин эмас.

Кимдир унутиб қолдирган оддий пакет туфайли, метро йўловчилари эвакуация қилинган. Воқеа жойига зудлик билан келган махсус хизмат ходимлари пакетни текширганлар. Бироқ унутиб қолдирилган сумка ичидан йўловчилар соғлиғига ҳавф туғдирувчи буюм топилмаган. Лекин мазкур ҳолат поездлар ҳаракати жадвалига таъсир кўрсатмаган.

Манба қолдириб кетилган буюмлар юзасидан Ички ишлар вазирлигига ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига кўнғироқ қилишни сўралган.

Ҳайрон қоларли жойи шундаки, оддий, аҳамиятсиз нарсалар ҳам Ўзбекистонда буюк бир иш ҳисобланади.

УХХ хабар маркази

**ЎЗБЕКИСТОНДА
КАТТА МИҚДОРДАГИ
КОНТРОБАНДА
ТОПИЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 17 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида киймати салкам 126 млрд. сўмлик товар моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган. Тезкор маълумотлар асосида Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган хонадонлардан бири ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадон ертўласида хорижда ишлаб чиқарилган 227 хил турдаги жами 20 минг донадан ортиқ бўлган парфюмерия товарлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланган. Фуқаро Н.Шоповаленкога тегишли бўлган ушбу товар моддий бойликларнинг умумий киймати 20 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Шунингдек, Чилонзор туманида жойлашган хонадонлардан бирида 900 донадан ортиқ бўлган 125 хил турдаги электр жихозлари ва анжомлари ноқонуний сақланаётганлиги аниқланган.

Дастлабки суриштирувлар чоғида юк эгаси фуқаро У.Мусаёнов хорижда ишлаб чиқарилган, дастлабки маълумотларга кўра умумий киймати 50 млн. сўм бўлган ушбу товарларга божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатларни тақдим қила олмаган.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда, деб хабар беради Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати.

uz.ca-news.org

*(Давоми. Боши олдинги сонда)*КИРҒИЗИСТОН УНИВЕРСИ-
ТЕТЛАРИДА М.СОЛИХ ИЖОДИ
ЎРГАНИЛА БОШЛАДИ

www.erkin yurt.org, 11.02.2006

«Озодлик» радиоси хабарига кўра, Ўзбекистон ЭРК демократик партияси раиси, шоир Муҳаммад Солих ижоди Қирғизистон олий ўқув юртларидан бирида, Ўш Давлат университетида ўрганила бошлади. «Шоир Муҳаммад Солих ижодисиз ўзбек адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди», дейди Ўш

таъқиқламади-ку. Нима учун энди биз ўз-ўзимиздан Муҳаммад Солихни адабиётдан чиқариб ташлашимиз керак?

Ўйлайманки, буни ҳеч ким таъқиқламайди, таъқиқлай олмайди ҳам. Биз Муҳаммад Солихни шоир сифатида, шоир бўлганда ҳам ўзбек адабиётдаги катта бир фигура сифатида ўрганаёلمиз. Ва менимча, бу ерда сиёсатнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Биз талабаларга унинг шеърларини таҳлил этишда ёрдам бераяёмиз. Бу шеърлар нима мақсадда ёзилган? У

сига салбий муносабат билдирадидилар. Айни мулоҳазада расмий Тошкент назаридан ҳадик акс-садоси кўринаётгандек. Институт ректори Равшанбек Турсунов гапиради:

- Бизда ўқув режаси бўйича «Ҳозирги адабий жараён» курси бешинчи курснинг иккинчи ярмида ўқитилади. Қирғизистон таълим тизими стандартларига мос равишда биз ўқув дастурларини Ўзбекистон дастури асосида тузамиз. Чунки бу ўзбек филологияси курси.

«Ҳозирги адабий жараён» курсини ўтиш бўйича лекция, амалий машғулот соатлари кафедра йиғилишига муҳокамага қўйилганида бир неча ижодкорлар ижодини ўтиш ёки дастурга киритиш бўйича мунозара бўлган. Улар орасида Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Солих, Хуршид Даврон, Камчибек Кенжа каби шоирлар бор эди. Мен ўша ерда ҳам Муҳаммад Солих ижодини ҳозирча ўқув дастурига киритмай турайлик, деган фикрни айтганман, - дейди институт раҳбари.

Таъқиқланган шоир

Кўшни Ўзбекистонда Муҳаммад Солих шеърини таъқиқланганига ўн йилдан ошгани маълум. Унинг китоблари кутубхоналардан йиғиб олинди йўқ қилинган, дарсликларга кириб қолган шеърлари эса йиртиб олинган айтилади. Кузатувчиларга кўра, ҳозирги Қирғизистонда адабиёт ва санъат масалаларида сиёсат устуворлигига барҳам берилган ва мамлакатда расман тазйик, босим, таъқиб эҳтимоли йўқ, дейиш мумкин. Айни пайтда Давронбек Насибхонов мунозараларга сиёсий тус бериш эҳтимолини инкор этмайди:

- Ўзбек гуманитар-педагогика институтида Муҳаммад Солихнинг ижоди ўрганилар экан, деган нарсага хайрат билан қарашнинг ўзи нотўғри, деб биламан. Энди мен кўрқадиган нарса шуки, бу масала сиёсийлашиб борадиган бўлса, бизнинг раҳбаримизга қандайдир босимлар бўлиши мумкин. Натижада биз мана шу курсни ўтолмай қоламизми, Муҳаммад Солих ижодини ўрганолмай қоламизми, деб кўрқаман.

Аслида демократик давлат бўлган Қирғизистонда бундай бир тазйик ёки таъқиб бўлиши кулгили. Бу масала сиёсийлашмаслигини хоҳлайман. Шоирми, адабиётми, уни мафкурага боғламайлик, сиёсатга боғламайлик, - дейди Давронбек Насибхонов.

Маҳаллий таҳлилчилар айтишича, сўз эркинлиги бир қадар ривож топган Қирғизистонда муҳлис эҳтиёжи мавжуд бўлган ижодкор йўлида фақат бир тўсиқ бўлиши мумкин. У ҳам бўлса, баъзи бир мулозимлар эс-хушига сингиб кетган шўролар давридаги таъқиқлар асоратидир.

(Мўмин Бекзод)

ЖАМИЯТШУНОС БАҲОДИР МУСАЕВ:

«ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЭНДИ ОРТГА КЕТИШНИ ИСТАМАЙДИЛАР»

Давлат университети ўқитувчиларидан Даврон Насибхонов ва Муяссар Холматовалар.

Маълумки, Ўзбекистонда Муҳаммад Солих шеърини расман таъқиқланганига, мана, 10 йилдан ошди. Унинг китоблари кутубхоналардан йиғиб олинди, йўқ қилинган, дарсликларга кириб қолган шеърлари эса, дарсликлар ичидан йиртиб олинган. Ҳатто Каримов режими югурдакларининг ахмоқлиги шу даражага етганки, улар ўрта асрларда яшаб ўтган ўзбек классик шоири, «Шайбонинома» асари муаллифи Муҳаммад Солих ижодига қарши ҳам даҳл қила бошлаган эдилар.

МУҲАММАД СОЛИХ ИЖОДИ
АТРОФИДА МУНОЗАРА

Би-би-си, 15.02.2006

Ташаббус муаллифлари бўлмиш ёш муаллимлар ушбу ҳассос қаламқаш асарларисиз ҳозирги замон ўзбек адабиётини тасаввур қилиш қийинлигини урғулаш билан бирга адабиётни сиёсатга, мафкурага боғлашга уриниш оқибатларидан ташвиш билдирадидилар.

Ҳозирги адабий жараён

Мазкур ташаббус олимлар кенгашида тортишувларга сабаб бўлган. Тайёрланган дастур лойиҳасини қайта таҳлил этишга қарор қилинган. Институт муаллими Давронбек Насибхонов шундай дейди:

- Биз ўрганмоқчи бўлаётган ва ўрганаётган Муҳаммад Солих 1980-йиллар ўрталарида янги овоз билан, янги бир услуб билан шеърини кириб келган. У ўзбек адабиётида янги бир оқимни, ўзича янги бир йўналишни, Солих мактабини пайдо қилган шоир. Ростдан ҳам Муҳаммад Солих адабиётда жуда катта фигура. Ва буни биз йўқотиб кўядиган бўлсак, талабаларимиз ҳам жуда кўп нарсани йўқотди. Балки Ўзбекистонда ростдан ҳам таъқиб бордир, балки ростдан ҳам кўрқашаётгандир. Лекин бу дегани биз ҳам кўрқашимиз керак, дегани эмас-ку. Бизга ҳали ҳеч ким

муस्ताқиллик учун курашган шоир эди. Совет зулмидан қутулиш учун, ўзбек тилини, туркий тилни бир муस्ताқил тил бўлишига интилган шоир эди. Эрк деб яшаган шоир эди. Унинг ана шу ғояларини талабаларга етказаяёмиз, унинг ижоди билан таништиришга ҳаракат қилаёёмиз.

- Қандай йўл билан? Дарслардами?

- Дарсларда афсуски, катта соат ажратилмаган. Нафақат Муҳаммад Солих, бошқа шоирлар, хусусан Абдурауф Парфи ижодига ҳам кўп дарс соатлари ажратилмаган. Шунинг учун тўғаракларда, дарсдан ташқари адабиётни севадиган талабалар орасида уларга маълумот беришга ҳаракат қилаёёмиз.

Дарсларни оладиган бўлсак, «Ҳозирги адабий жараён» курси 80-йиллардан бугунги кунгача бўлган даврни камраб олади. Курсда икки шоирга бир пара, яъни саксон минут вақт ажратилган. Дарсдан ташқари тўғаракларда эса ўзимизнинг ихтиёримиз, - дейди Давронбек Насибхонов.

Ижод ва шахсият

Институт муаллимаси Муяссархон Холматова ижодкор ижодини унинг шахсидан алоҳида ўрганиш керак, деган ёндашув бўлиши лозимлигини айтиди:

- Дастур тайёр бўлмаганлиги учун дарс жадвалига қўйилганича ҳам йўқ бу курс. Шу жиҳатдан ҳам Муҳаммад Солих таҳлил арафасида. Унинг шеърини ўша даврдаги шеърини каторида арзигулик шеърини. Бизнинг асосий вазифамиз ҳам уни шоир сифатида ўргатиш. Масалан, фалончи шоир арок ичар экан, шунинг учун унинг ижодини ўрганмаслик керак, ёки кўп хотинли экан, унинг асарларини ўрганмаслик керак, дегандек ёндашувда бу. Унинг шеърини зўрми уни ўрганиш керак. Унинг шахсий ҳаёти ёки унинг сиёсий фаолияти бизни қизиқтирмайди керак, - дейди Муяссархон Холматова.

Институт расмийлари Муҳаммад Солих ижодиётини ўрганиш ташаббус

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



Психотроп моддалардан фойдаланиш.

Даволаш мақсадида қўлланилган Психотроп моддалар шу шаклда синифлантирилиши мумкин:

Анестезик ва Оғриқ колдирувчилар

Оғриқ ва бошқа хил ҳисларни йўқотишда ишлатиладиган психотроп дорилар, асосан, анестезиклардир. Буларнинг жуда кўпчилиги кайфга сабаб бўлади, бу эса касалларнинг жисмоний оғриқни ҳис этиш ёки туйғу ҳисларига зарар бермасдан, жарроҳ амалиётларига чидашларини таъмин этади.

Анастетиклар - оғриқ сезишни мувозанатлаштирган эндорфинлар оғриқ қаршисида ожиз қолганда, асаб системасининг органлар билан алоқасини узадиган психотроп моддалардир. Бу моддалар орасида морфин ва кодеин каби наркотиклар, аспирин, барбитуратлар ва ибупрофен каби оғриқ кесувчилар бор. Булар яна эпилепсия ва томир тортиш холида ҳам қўлланилади. Бензодиазепинлар сокинлаштирувчи, ухлатувчи ва тортишган мускулларни юмшатувчи хусусиятга эгадир. Булар орасида энг кўп Rohypnol, Rivotril, Diazem ва Klordiazepoksit каби дорилар суистеъмол этилмоқда. Асоси наркотик бўлган барбитуратлар ва бензодиазепинлардан 45 донаси инсонда жисмонан ва руҳий боқимандалик пайдо қилгани учун байналминал назорат остига олингандир.

Психиатрик ва неврологик дорилар, амфетаминлар, барбитуратлар ва бензодиазепинлар каби синтетик моддалар - наркотик булгани учун - мастлик, эйфория, допинг таъсири, характер ўзгариши каби ён таъсирларга соҳибирлар.

Талайгина стимулятор, неврологик ва психиатрик дориларнинг этикетларида ён таъсир сифатида «кишилик ўзгариши, ҳатти-ҳаракатларда бузқлик ва ёки токсик психоз» каби туманли ифодалар бор. Касаллар бу ифодаларнинг асл маъносини тушунмайдилар. Масалан, паркинсон ва алзхаймер хасталикларидида қўлланилган Cabergoline ва ReQuip каби дориларнинг этикетларида «кишилик ўзгариши» дея билдирилган

ён таъсирнинг, аслида, гомосексуализм, ўз жонига қасд қилишга мойиллик, ўгрилик ва киморга майл каби бузқликларга сабаб бўлгани ҳақда дори фирмаларига қарши очилган маҳкамаларда маълум бўлди.

Психиатрик дорилардан бири Ritalin болалардаги гиперактивликка қарши қўлланилиб, кучли боқимандалик пайдо қилади ва статистикага кўра, бу дорини қўлланганларнинг 60 % ида Conduct Disorder (жиноятга майл), Opposition Defiant Disorder (зўровонликга майл) ve Turet Sendromu (беихтиёр сукиниш - ҳақоратга майл) кўзга ташланган. Хулоса, бу дори қўлланиб тузалиш эмас, балки яна-да ёмон аҳволга тушиш эҳтимоли 60 % экан.

Айни синфдан бўлган дори Rivotrilнинг ён таъсирлари шундай: агрессив ҳаракатлар, диққатни бир жойга тўплай олмаслик, иқтидорсизлик, қизларда эркак боланинг қилиқлари, эркак болаларда қизларнинг ҳатти-ҳаракатлари, кўриш бузқликлари, воқеликни идрок қилаолмаслик, кишилик ўзгариши, нур, сас ва жисмоний тегинишга нисбатан ҳаддан ташқари ҳассосият, галлюцинациялар. Тушунишда ва руҳий ҳолатда ўзгариш яшаиш учун қўлланилган синтетик Психотроп моддалар:

Синтетик Психотроп моддалар орасида энг кенг ишлатиладиганлари кимёвий таркиби жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшаш бўлган амфетаминлар ва экстазидир. Амфетаминлар арзон бўлганликлари ва уларни топиш энгиллиги сабабидан Овropaдаги ёшлар орасида жуда кенг доирада қўлланилади. Буларни қабул қилиш оқибатида келиб чиқаётган хасталиклар жуда оғир соғлик муаммоларини келтириб чиқараётгани сабабли уларни қўлланишнинг йил сайин ортиши бутун дунёда жиддий ташвишлар келтириб чиқармоқда. Бугунги дунёда Амфетамин ва экстази ишлаб чиқариш йилда 520 тоннага етишди.

Асаб системасини огоҳлантирадиган, руҳий ҳолатни ўзгартирадиган, оламдаги барча нарсаларни чиройли ва яхши кўрсатадиган, бироқ баъзан галлюциноген таъсирга сабаб бўладиган наркотик моддалар, амфетаминлар ва экстазидир. Айниқса амфетаминлар, ўрганиб қолиш учун жуда энгил бўлган наркотик моддалар гуруҳига киради. Кўп қабул қилинилганда хурсандлик, бахтиёрлик ҳиссини, қаршилиқ кўрсатишни кучайтиради. Вужуднинг қаршилиги туфайли амфетамин туридаги дори-

лар, кун сайин кўпайиб бориш системасида қабул қилинади.

Нарколепсия, эпилепсия, депрессия, парашонхотирли ва гиперфаолик ҳам биргаликда турли хил психологик ва руҳий муаммоларнинг давосида, спортчиларга ва тунда ишлайдиганларга допинг сифатида, семиз одамнинг иштаҳасини камайтирувчи ўрнида қўлланиладиган синтетик стимуляторлар ҳам амфетаминлардан иборатдир. Антидепрессант дорилар ҳам айни синфдандир.

Бу дори узок вақт қабул қилинса, жинойтга мойиллик, ўз жонига қасд қилиш, баъзан эса параноид шизофрения ҳолига соладиган «Амфетамин жиннилиги(психози)» содир бўлиши мумкин. Амфетаминлар, уйланганларга ва жинсий муносабатлар терапияси учун, яраланиш(травм)дан сўнгра пайдо бўлган стрессга, фобияга, боқимандаликка қарши ва ўлаётган касалларга 1985 йилгача қонуний равишда берилиб келинди.

«GHB-Gamma Hydroxy Butyrate» исмли кимёвий психотроп модда. Ликит(суяқлик) экстази, таблеткаларидан ҳам хавфлироқдир. Анестезия мақсадида кўп ишлатилади. GHB, марказий асаб системасига таъсир қилиб, уят туйғусини йўқотади, наркотик қабул қилувчиларни янада жасур қилади ва сексга иштиёқларини оширади. Ана шу хусусиятлари сабабли бу модда секс магазинларида сотилмоқда. Баъзан кўпроқ доза қабул қилинганида қаттиқ ухлаш, хушини йўқотиш каби ҳолатлар ҳам учраши мумкин. Бу препарат ўсиш гормонига таъсир қилади ва ундан спортчилар мускулларини қувватлантиришда фойдаланадилар.

Liserjik Asit Diyetilamit (LSD) синтетик психотроп моддадир (галлюцинациноген).

Бу модда рухсатсиз намоишга чиққан оломонга қарши ва полис билан оломон ўртасида чиққан олишувларда оломонни бостирмоқ, этник гуруҳлар орасида сунъий ихтилофлар чиқармоқ учун спрейдан ҳавога сепиш билан қўлланилади.

Ойдин СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми кейинги сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош